



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2016 йил 28 июнь, № 125 (6560)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни — юртимиздаги барча журналистлар, телерадио, наشريёт ва матбаа соҳаси вакиллари 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуккур хурматим, эзгу тилакларимни билдиримдан бахтиёрман.

Сизларнинг бу йилги касб байрамингиз Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги давр — ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтаётгани чуккур маъно-мазмунга ба, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшилиасиз.

Бу ҳақда гапирганда, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилиб, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон турмуш ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуришдек бекиёс имконият яратиб берган мустақиллигимизнинг қандай ноёб, олий ва бебаҳо неъмат эканини эл-юртимизнинг онгу тафаккурига сингдиришда, истиқлолимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда миллий матбуотимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини барчамиз яхши биламиз ва сизларнинг бу олижаноб хизматингизни юксак қадрлаймиз.

Бу йилги мустақиллик байрамининг бош гоёси сифатида танланган **“Ўзал ва бетакорисман, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!”** деган сўзлар замирида қандай теран маъно муҳаммад эканини сиз, азизлар яхши тушунасиз, албатта.

Бугунги кутлуг айёмда Ватан учун жон фидо қилишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган, миллий матбуотимизга асос солиб, мустабид тузумнинг таъйик ва таъкибларига қарамасдан, “Маслак ва мақсадимиз — халқ манфаатига хизмат этмак” деган эзгу гоё йўлида бутун борлигини бағишлаган маърифатпарвар боболаримизнинг руҳи покларини, соҳа фахрийларининг номларини ҳурмат-эҳтиром билан эсга олишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Барчангизга яхши маълум, мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиатармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан олиб борилмақда.

Давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ахборот маконида мутаносиб

ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг тасдиғини охирги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

Муҳтарам дўстлар!

Тез суръатлар билан ўзгариб, олдимизга бир-биридан ўткир ва долзарб саволларни қўётган ҳозирги мураккаб замонда, жаҳон миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, информатсион хуружлар тобора кучайиб бораётган таҳликали бир вазиятда халқимиз, айниқса, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, ростни ёлғондан ажратишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда, доимо ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлиб, воқеликка дахлдорлик туйғуси билан яшашга даъват этишда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу нуктаи назардан қараганда, бугунги байрам муносабати билан бўладиган учрашувлар, сўхбат ва мулоқотларда ижодий жамоалар ва умуман, миллий журналистикамиз фаолиятини танқидий сарҳисоб қилиб, янги режалар, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритишимиз табиий, албатта.

Шу борада юксак касб маҳоратиغا эга журналистлар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган мутахассисларни тайёрлаш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб турибди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, журналистларимизнинг ҳаётга чуккур кириб бориши, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни туб моҳияти ва аҳамияти, керак бўлса, мураккаблиги билан очиб бериш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга ҳолисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоидаси ва принципи бўлиб қолиши даркор.

Бунинг учун, аввало, замон талабларига жавоб берадиган журналист кадрларни тайёрлаш, тегишли олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, таълим жараёнига энг илгор педагогик ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича амалга ошираётган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Шулар қаторида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонида кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфуз-

ли нашрлар ва медиакомпаниялар билан самарали ижодий алоқалар ўрнатиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни пухта эгаллаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда сўз борар экан, кейинги йилларда соҳа вакиллари 700 нафарга яқини чет элларда малака ошириб келганини ижобий баҳолаб, биз учун гоёат муҳим аҳамиятга эга бўлган бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарурлигини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Бугунги глобаллашув замониди, интернет асрида ахборот учун ҳеч қандай чегара йўқлиги, бу соҳада қандайдир “темир девор” қуриб бўлмаслигини кимгадир тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Жаҳон ахборот маконидаги бундай мислсиз интеграция жараёнлари бугунги юксак тараққиёт учун бекиёс имкониятлар очиб бераётганини эътироф этган ҳолда, ахборот оқими орқали, афсуски, турли бузғунчи гоёлар, “оммавий маданият” кўринишлари ҳам ҳаётимизга кириб келаётганини инкор этиб бўлмайди. Улар ёшларимизнинг онги ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётгани, маънавий қадриятларимизга, авлодлар ўртасидаги ворисийлик аъналарига бепасанд қараш каби ҳушдорлик ҳам ён-атрофимизда учраб туриши барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.

Шу ўринда бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтишга тўғри келади: маънавиятни асраш — инсонини, аввало, ёш авлодимизни, келажагимизни асраш демакдир. Шундай экан, бир қарашда кўзга яққол ташланмайдиган бундай хавф-хатарларга қарши курашиш учун ҳаммамиз, аввало, сиз, мухтарам оммавий ахборот воситалари ходимлари фикрга қарши — фикр, гоёга қарши — гоё, ҳаюлатга қарши — маърифатни қурол қилиб, қатъиян билан иш олиб боришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Қадри дўстлар!

Бугун биз 25 йил давомида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташлар эканмиз, “Кеча ким эди-гўй бугун ким бўлди, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” деган, халқимиз қалбиди ақс садо топган даъват, аввало, доимо ҳаётнинг олдинги сафларидида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, хурматли матбуот аҳлига дахлдор, десам, янглишмаган бўламан.

Мустақиллик арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда қандай оғир ва таҳликали, озгина учкун чикса, бугун республика ловуллаб ёниб кетадиган ўта хатарли ва калтис вазият вужудга келгани эсга олайлик. Йигирма миллиондан ортқ халқимизни боқиб учун омборларимизда, бор-йўғи, 22 минг тонна ун захираси қолганини, иқтисодий етишмовчилик ва

қийинчиликларни, бизни турли фитна ва можаролар гирдобига тортишга қаратилган кўпорувчилик ҳаракатлари, ёвуз мақсадларни кўзлаган террорчилик хуружларини, мухтасар айтганда, халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтаришга бўлган ғаразли уринишларни ва бундай машаққатли синовларни фақатгина мардлик ва матонат, сабр-бардош ва фидокорона меҳнат билан енгиб ўтганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бошимиздан кечирган мана шундай мураккаб тарих сабоқларини одамларга, аввало, ёшларимизга етказиш, уларнинг кўзини ҳақиқатга очиб бериш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиздир.

Бир сўз билан айтганда, биз ёш авлодимизни бошлаган буюк ишларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбияламоқчи бўлсак, ҳеч шубҳасиз, қандай оғир, шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтганимиз, дунё ҳамжамияти тан олаётган юксак ютуқ ва марраларимиз тарихимиз соломасида ўчмас из қолдириши, халқимизнинг онгу тафаккурда муҳрланиши, миллий гоёмиз, мафкурамиз асосига айланиши шарт.

Бу вазифани биринчи навбатда ким маҳорат билан амалга ошира олади? Албатта, халқ манфаати, Ватан тақдирини қалбидан, юрагидан ўтказиб яшайдиган сиз, хурматли журналист аҳлининг даъватроқ сўзи, ибратли фаолияти бу борада ҳал қилувчи ўрин тутади, деб ишонаман.

Эртанги кун ҳақида, энг муҳим ва устувор вазифаларимиз ҳақида гапирганда, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, доимо янги-янги муаммо ва талабларни кун тартибига қўяди.

Шу маънода, бугун биз ўз олдимизга қўйган улуг мақсадлар, хусусан, халқимиз ҳаётини янада фаровон ва обод қилиш, дунёдаги энг ривожланган, демократик давлатлар қаторига кириш, халқаро майдонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш бўйича 2030 йилга қадар белгилаб олган дастурларимизни амалга оширишда биз бутун халқимиз қатори сизларга, сизларнинг истеъдод ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар!

Журналист меҳнатининг нақадар машаққатли ва масъулияти эканини чуккур англаган инсон сифатида мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг эзгу орзу-интилиш ва ташаббусларингизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёр эканимни, сизларни ўзимнинг энг яқин ёрдамчим ва маслак-дошларим деб билишимни такроран айтмоқчиман.

Сизларни кутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам давлат раҳбарлари,
Хурматли мажлис иштирокчилари,

Аввало, делегациялар раҳбарларининг ШХТнинг ўтган даврдаги фаолияти асосий яқунлари бўйича билдирган фикрларини қўллаб-қувватлайман. **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилганидан буён ўтган 15 йил давомида ҳақли равишда нуфузли халқаро ташкилотлар қаторидан муносиб жой олди, барқарор тараққиёт, тинчликни мустаҳкамлаш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, минтакавий ва глобал даражада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг таъсирчан омилига айланди.**

Ўтган йиллар мобайнида ШХТнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини шакллантириш бўйича миқёсига кўра улкан ишлар амалга оширилди, ташкилот таркибига қирадиган давлатлар ўртасида ҳар томонлама тенг ҳуқуқли ҳамкорлиқни таъминлаш учун мустаҳкам институционал асос яратилди.

Шу билан бирга, биз бугунги кунда ён-атрофимиздаги дунё нақадар шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганини, қарама-қаршилик ва можаролар кучайиб, жаҳон бозорларида беқарорлик ва маъмуллик сақланиб қолаётганини, алоҳида ташвиш уйғотаётган халқаро терроризм, экстремизм ва тобора ёйилиб, тарқалиб бораётган радикализм қўлами хатарли тус олаётганини яхши англаймиз ва тасаввур қиламиз.

Минг афсуски, ҳозирги вақтда вужудга келаётган халқаро вазиятда **ўзаро ишонч ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ўрнига қарама-қаршилик ва рақобат кучайиб бормоқда. Бундай ҳолатни кўрмаслик, сезмаслик мумкин эмас.**

Биринчидан. Юзага келаётган бундай мураккаб шароитда ШХТнинг Хартияси ва бошқа асосий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган **очиклик ва ҳеч қандай блокка қўйилмаслик** принципларига қатъий амал қилишимиз ва бундай ёндашувни янада мустаҳкамлашимиз ўта муҳим аҳамиятга эга. Вужудга келаётган минтакавий ва халқаро муаммоларни ҳал этишда бундан кейин ҳам мафкуравий ва қарама-қаршиликка олиб келадиган ёндашувларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш даркор.

Иккинчидан. Ҳиндистон ва Покистонни аъзоликка қабул қилиш жараёнининг бошланишида ўз ифодасини топаётган ШХТга аъзо давлатлар таркибини кенгайтириш бўйича амалга ошираётган йўлимиз, ҳеч шубҳасиз, ШХТ ўз фаолиятида янги, янада мураккаб босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Биз барчамиз яхши тушунамизки, айрим давлатларнинг халқаро ва минтакавий тараққиётга доир долзарб масалаларга нисбатан турлича, баъзан бир-бирига мутлақо зид ёндашувлари ҳисобга олинадиган бўлса, биринчи навбатда, **ташкилот кун тартибидидаги асосий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда консенсус, яъни умумий келишувга эришиш оғир ва қийин бўлади.**

Лекин бу борада юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ШХТ Хартияси ва Тартиб-таомил қоидаларида мустаҳкамлаб қўйилган консенсус принциpidан воз кечишни ҳеч қачон англатмаслиги зарур. **Амалда ўзини оқлаган бу принципга сўзсиз роя этиш ташкилотимиз фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймайди, унинг пароканда**

бўлиб кетиши, «манфаатлар бўйича гуруҳлар» пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган баҳс ва келишмовчиликларни бартараф этади.

Учинчидан. Қўшни Афғонистондаги вазиятга ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу мамлакатда вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни ўзаро курашаётган томонлар ўртасидаги тўқнашувларнинг аста-секин қўзилиб бориши сифатида таърифлаш мумкин, агар аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, **бундай беқарорликнинг қўшни мамлакатлар ва минтакаларга ҳам ёйилиб кетишининг хиддий ва реал хавфи мавжуд.**

Афгон муаммосини ҳал этишдан манфаатдор томонларнинг аксарияти бундай вазиятдан чиқиннинг фақат битта йўли борлигини яхши англайди. Яъни бу йўл **ўзаро кураш олиб бораётган асосий томонлар ўртасида тинчлик ўрнатиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелиги остида сиёсий музокаралар ўтказишдан** иборатдир. Ҳукумат ва «Толибон» каби ўзаро курашаётган қучлар ўртасида музокаралар жараёнини қайта тиклаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада томонлар музокаралар жараёнини бошлаш учун олдиндан бирон-бир шарт қўймаслиги даркор.

Ҳеч шубҳасиз, донор давлатлар ва халқаро институтлар Афғонистонга бу мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва аҳолининг ҳаёт даражасини яхшилаш, энг муҳими, **таълим-тарбия ва маърифат соҳасида ёрдам бериш бўйича ўз мажбуриятларини тасдиқлаши зарур.**

Ўзбекистон, Афғонистон билан икки томонлама ўзаро ҳамкорлик принципида роя этган ҳолда, коммунистациялар, жумладан, Афғонистонни ташқи дунё билан боғлайдиган Термиз — Мозори Шариф темир йўл тармоғини қуришга ўз ҳиссасини қўшмоқда, Афғонистонга, хусусан, Кобул шахрга электр энергияси етказиб беришни таъминламоқда.

Муҳтарам мажлис қатнашчилари,

Ташкилотнинг дастурий мақсад ва вазифаларига эришининг энг муҳим шартларидан бири иқтисодий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборатдир. Бизнинг ушбу йўналишдаги умумий вазифамиз **барча давлатларнинг манфаатларига мос келадиган, минтақа учун муҳим аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ва инфраструктура лойиҳаларини амалга ошириш**, биринчи навбатда, транспорт коммуникацияси соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантиришни кўзда тутади.

Шу муносабат билан **Ўзбекистон Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган «Буюк Ипак йўли иқтисодий йўналиши»ни ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди.** Мазкур ташаббусни унга жалб қилинган барча томонларнинг умумий ва ўзаро манфаатлари асосида муваффақиятли амалга ошириш мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Муҳтарам ҳамкасблар, Сўзимнинг якунида бугунги атрофича фикр алмашиш ва ҳамкорликдаги самарали ишимиз мамлакатларимиз ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш, ўзаро хурмат муҳитини мустаҳкамлаш, амалий ва ишончли мулоқотни кенгайтириш имконини беради, деб ишонч билдирмоқчиман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

АСРИМИЗНИНГ БЕҚИЁС ВА УЛКАН ЛОЙИҲАСИ



2016 йил 22 июнь. Тинчлик ва омонлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик, чорак аср давомида ўз сўзини дунёга дадил айтган, ажодлари орзу-ниятларини рўёбга чиқара олган келажаги буюк давлат — Ўзбекистон узунлиги 123,1 километрлик Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўлини мuddатидан аввал қуриб битказганини жаҳонга баралла эълон қилди. Давлатимиз раҳбари унинг очилиш маросимидида мазкур гоёат улкан лойиҳанинг амалга оширилиши Ўзбекистон учун катта ютуқ, муҳим ва унутилмас тарихий воқеа эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ушбу лойиҳанинг кадр-

қиммати йиллар ўтиши билан улуғворлик касб этаверди. Авваламбор, юк ташин ҳажмининг ортиши эвазига улкан иқтисодий самара келтиради. Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларини ягона миллий темир йўл тармоғига бирилаштиради.

Маълумки, Қамчиқ домини орқали ўтган автойўлдан манзилга етиб олиш бир қадар қийинчиликларни туғдирар эди. Ахир 2200 метр баландликда, баъзан ноқулай об-ҳаво шароитида ундан ўтиб олишнинг ўзига яраша мушкуллиги борлиги сир эмас.

(Давоми 4-бетда).



Маҳорат, масъулият ва рағбат — фаоллик омили

Мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, истиқлол руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний кадриятларни кенг тарғиб қилиш ҳамда халқимиз маънавиятини ҳар томонлама бойитишда оммавий ахборот воситалари ходимлари, хусусан, журналистларнинг алоҳида ўрни бор. Шу маънода, республикада Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳани янада ривожлантириш, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ТАДБИР

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йилгида шу хусусда сўз борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тегишли вазирилик ҳамда идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган меҳнат фахрийлари, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ҳ. Мирзаёров, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Андижон вилояти бўлими раиси Н. Саидов, “Жаҳон адабиёти” журнали

ҳодими С. Алижонов ва бошқалар юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, қўли фўқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларини босқичма-босқич раванқ топтириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, бунинг учун барча шарт-шароитни яратиш масаласи Президентимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидладилар.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда фўқароларнинг сўз эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини юзга чиқариш, шахс, жамият ҳамда давлатнинг ахборот борасидаги ҳафсизлигини таъминлаш, соҳа ходимлари манфаатларини муҳофаза этишининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир ўнга яқин қонун ҳужжати қабул қилингани оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатишга оид ҳуқуқлари таъминланишида, жур-

налистларнинг профессионал фаолиятини қафолатлаш ҳамда муҳофаза этишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фўқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини янада раванқ топтиришининг сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қафолатлари, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш давр талабларига уйғун тарзда тақомиллаштирилмоқда.

Бугунги кунда республикада 1400 дан зиёд газета ва журнал, электрон, интернет медиатизилмалар самарали фаолият қўрсатмоқда. Миллий оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот маконидан ўз ўрнини топганлиги, дунёнинг ривожланган мамла-

катлари медиатизилмалари даражасида фаолият олиб бориши учун қўлай шарт-шароитлар яратилгани соҳадаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ахборот ресурсларидан самарали фойдаланишда беқийс аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонун фўқароларнинг ахборот соҳасига оид ҳуқуқларини янада кенг таъминлашда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари масъулиятини оширган барчага маълум. Ҳозирги пайтда ушбу Қонун фўқаролик жамияти институтлари вакиллари давлат органлари фаолиятига оид ахборотларни тўсиқсиз олишининг ишончли қафолатига айланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган “Олтин қалам” Миллий муқофо-



Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ оling сурат.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Исломова Лобар — “АННОR.UZ” веб-сайти бош муҳаррири

Ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш, фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги туркум материаллари учун

Мамбетризаева Несиба — “Нукус ҳақиқати” газетаси мухбири (Қорақалпоғистон Республикаси)

Қорақалпоқ халқининг бугунги ҳаёти, буюк оруз-интилошлари акс этган, истиқлол берган чексиз имкониятлар тўғрисида турмушимиз фаровон бўлаётгани, экологик масалалар ва табиати муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда қўламазорлаштириш мавзуларидаги туркум мақолалари учун

Полвонов Давлатжон — “Бағдод ҳаёти” газетаси мухбири (Фарғона вилояти)

Худудларда, жумладан, туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги таълим-тарбия муассасалари, маданият, санъат ҳамда спорт иншоотларини қуриш ва таъмирлаш, шунингдек, қишлоқда турмуш маданиятининг юксалиши акс этган ва миллий кадриятларимизни улғулови публицистик мақолалари учун

Раҳимов Мухиддин — “Тафаккур” журнали бош муҳаррири ўринбосари

Истиқлол йилларида халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси, анъана ҳамда кадриятларини тиклаш бўйича олиб боришган кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари, бизга ёт бўлган гарбона турмуш ва тафаккур тарзига қарши ўзимизнинг ўлмас миллий кадрият ва анъаналаримизни кенг тарғиб қилиш, оила кадриятларини улғулаш, ота-она — фарзанд муносабатларини глобаллашувнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш масалалари ёритилган туркум мақолалари учун

Тошўлтова Нозима — “Ўзбекистон” телерадиоканали “Ахборот” информацион эшиттиришлар муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси

Мамлакатимизни модернизациялаш ҳамда янгилаш жараёнларининг бориши ва юртимизда юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ислохотлар моҳияти қўқор оид берилган таҳлилий эшиттиришлари учун

Усмонова Назокат — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахбороти тахририяти бўлим мудири

Интернетда ёритилган юртимиз ҳаётидаги янгилаш ва ўзгаришлар, бунёдкорлик борасидаги улкан амалий ишлар, ватандошларимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётгани, шунингдек, маданият, таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат соҳасига оид туркум таҳлилий материаллари учун

Ўктамова Феруза — Навоий вилояти телерадиоканали радиогруҳи муҳаррири

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган долзарб вазифалар ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдаги фаоллиги учун

Ҳамроқулов Улғубек — “Dunyo bo'yicha” телеканали катта муҳаррири Ёш авлодни Ватанимизга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадрият ҳамда анъаналарга ҳурмат, она-табиатимизни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга қаратилган туркум қўрсатувлари учун

Ҳожиева Юлдузхон — “Маҳалла” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Фўқаролар йигинларининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, жойларда ярашув институтларини кенг жойли этиш, ижтимоий ҳимоя, вояга етмаганлар билан ишлаш, маҳаллада ёшларни спортга кенг жалб қилиш мавзуларидаги қатор публицистик чиқишлари учун

Эргашев Маъмуржон — “Менинг юртим” телеканалининг Наманган вилоятидаги махсус мухбири (ЎзОАВМА) Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини кенг тарғиб этишда ҳамда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган долзарб вазифаларни ёритишдаги фаоллиги, жисмонан соғлом, маънан баркамол авлод тарбияси йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳамда эзгу ишлар акс этган репортажлари учун

Танлов совриндорлари
1. Абдусатторов Алижон — “Жиз-зах ҳақиқати” газетаси мухбири

2. Боймуродова Комила — “Ишонч” газетаси мухбири

3. Жўраев Мирзохид — “Қашқадарё” ва “Новости Кашкадары” газеталари мухбири

4. Мадавлиев Орифжон (Ориф Толиб) — “Ёшлик” журнали масъул котиби

5. Неъматов Руфат — “Жамият” газетаси масъул котиби

6. Норбоев Содик — “Маданият ва маърифат” телеканали бош муҳаррири ўринбосари

7. Норбоев Наврўз — “Соғлом авлод” газетаси фотомуҳбири

8. Саилхонова Латофат — “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари тахририяти бўлим мудири

9. Султанмуратов Парахат — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиоканалияси муҳаррири

10. Терехина Александра — “Учитель Ўзбекистана” газетаси мухбири

11. Умиров Сайди — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти

12. Хабибуллина Луиза — Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси ижтимоий дастурлар лойиҳаси масъул муҳаррири

13. Ханнаева Улжамол — “Ёшлар” телерадиоканали шарҳловчиси

14. Ходжамуродова Гулнора — “Ватанпарвар” газетаси катта мухбири

15. Шодиев Раъшан — “Ўзбекистон овози” газетаси мухбири

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

Ҳар йили 26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланishiга қарши кураш кунида БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (ЮНОДК) томонидан гиёҳвандлик моддаларига оид бутунжаҳон маърузаси омма эътиборига ҳавола этилади. Жорий йилги ана шундай маълумотномадаги далиллар ушбу офат ҳамон энг оғриқли глобал масалалардан бири эканлигини ана бир бор тасдиқлади. Яъни унда сайёрамиз аҳолисининг 29 миллиони наркосиндромга мукаасидан кетгани алоҳида айтиб ўтилган.

Бинобарин, “оқ ажал” нафақат истеъмолчиси саломатлигига ОИТСдек ўнглаб бўлмас зарба беради, умрига завоп етказди, балки улар оила аъзолари, яқинларининг юзини ерга қаратади. Қолаверса, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiдан келиб тусаётган фойда жиноятчилик ҳамда жиноятчиликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётгани қабиҳлик устига қабиҳлик, десак, муболага эмас. Уларнинг бир бутунлиқда хатарли таъсири жамият ҳаёти, тинчлиги, осийишчилик, миллат генофонди, халқ турмуш фаровонлиги, маънавияти, соғлом яшаш тарзига жиддий таҳдидир. Шундай экан, қақатгина оқиллик билан, ўзаро ҳақдорликда, яқдилликда, бир ёқадан бош чиқариб бу даҳшатли таҳдиднинг илдизига болта уриш, унинг илдизини сугуриб ташлаш мумкин.

Қайд этиш лозимки, юртимизда ушбу умубашарий иллатга қарши кураш бўйича қатор чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Бунинг учун зарур ҳуқуқий-меърий, ташкилий пойдевор яратилган. Давлатимиз БМТнинг қатор ҳуқуқий ҳужжатларини, жумладан, Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона Конвенция, Психотроп моддалар тўғрисидаги Конвенция, Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни гайриқонуний равишда муомаласига киритишга қарши кураш тўғрисидаги Кон-

Наркотик моддалар ёқиб юборилди

1994 йилдан буён Ўзбекистонда 55 тонна 438 килограмм «заҳри қотил» йўқ қилинди.

венцияни ратификациялаган. 1999 йилда қабул қилинган “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонун бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада жонлантириш ҳамда жадаллаштиришда катта аҳамият касб этаётди.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги қорхоналардан бирида 26 июнь кунини ҳукуматимиз топшириғига биноан, Миллий хавфсизлик хизмати ва мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралари томонидан нарқобизнесга қарши кураш давомида мусодара этилган гиёҳвандлик воситаларининг наватбатига тўпламини йўқ қилишга бағишланган тадбир ана шу эзгу ишларнинг наватбатига тасдиғига айланди. Унда БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

— Кеча идораларро комиссия томонидан домна печларида 1 тонна 438 килограмм гиёҳ-

вандлик воситалари йўқ қилинди, — дейди МХХ Матбуот хизмати катта ходими Лола Юлчибаева. — Жумладан, 145 кг. героин, 655 кг. опий, 496 кг. марихуана, 115 кг. гашиш, қўллаб-қўқорна, наша, таблетка ва эритма шаклидаги психотроп моддалар ёқиб юборилди. Бундай анъанага 1994 йилда асос солинди, ўшандан буён 55 тонна 438 килограмм наркотик воситаларнинг кули қўққа совирилганини айтиш лозим.

Одатдагидек, бу галги маросимда ҳам ўзбекистонлик мутахассислар наркотиклар билан боғлиқ ўтган йилги вазиятни таҳлил қилиб беришди. Уларнинг айтишича, мамлакатимизда нарқовазиятга салбий таъсир қўрсатаётган асосий омил наркотик моддалар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринда турадиган Афғонистон билан чегарадошлиқдир. Маълумотларга қараганда, ушбу қўшни давлатда ўтган йилги қўққори экилган майдонлар 183 минг гектар, ишлаб чиқарилган афюн микдори эса 3300 тоннани ташкил этган.

Таъкидлаш лозим: мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги Марҳамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига қараганда, 2015 йилда оғу моддаларини ўтказиш, контрабанда, гиёҳвандлик ўсимликларини экиш, бангхоналар очиш каби нарқожинотлар сони 6648 тани ташкил қилди.

Тадбирда тақиланган нарқовоситаларни турли йўллар билан яшириб олиб киришга уринган нопок кимсаларни қўлга тушириш ҳолатлари бўйича ҳам тўхталиб ўтилди. Масалан, 2015 йил май ойида Тошкент вилоятининг Ангор туманида Афғонистон Ислон Республикаси Фўқароси Саид Ҳидоятullo Саид Мухор ўғли 33,6 килограмм опийни контрабанда йўли билан олиб ўтаётганда, ушланди. То-

жикистонлик Н. Нуров эса 63,4 килограмм опий ва 8,2 килограмм героин воситаси билан қўлга туширилиб, жирканч фаолиятига нукта қўйилди.

“Қора дори — 2015” операцияси давомида эса 1049 та ҳолатда 0,51 гектар майдонда таркибида наркотик моддалари жикистонлик Н. Нуров эса 63,4 килограмм опий ва 8,2 килограмм героин воситаси билан қўлга туширилиб, жирканч фаолиятига нукта қўйилди.

“Қора дори — 2015” операцияси давомида эса 1049 та ҳолатда 0,51 гектар майдонда таркибида наркотик моддалари жикистонлик Н. Нуров эса 63,4 килограмм опий ва 8,2 килограмм героин воситаси билан қўлга туширилиб, жирканч фаолиятига нукта қўйилди.

“Қора дори — 2015” операцияси давомида эса 1049 та ҳолатда 0,51 гектар майдонда таркибида наркотик моддалари жикистонлик Н. Нуров эса 63,4 килограмм опий ва 8,2 килограмм героин воситаси билан қўлга туширилиб, жирканч фаолиятига нукта қўйилди.

Тўқимачилик ривожини йўлида ҳамкорлик

Пойтахтимиздаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини худудда Ўқув-тадиқот тўқимачилик технопаркин бунёд этиш ишлари бошланди.

“Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти ҳамда Корея Республикасининг Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа ихросига мамлакатимизда энг улғу ҳамда энг азиз айём — мустақиллигимизнинг қўтлуғ йигирма беш йиллигини муносиб қўтиб олишга қизгин ҳозирлик қўрилаётган бир пайтда киришлгани замирида рамзий маъно-мазмун бор.

БУНЁДКОРЛИК

Зеро, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар узок тарихга бориб тақалиб, у истиқлол йилларида нафақат қайта тикланди, балки стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилди.

Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ҳамкорлиги тобора кенг қўлам касб этмоқда. У савдо, сармоа, экспорт-импорт, ёқилғи-энергетика, кимё, транспорт ҳамда транспорт коммуникациялари, логистика, автомобильсозлик, тоғ-қон саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, тиббиёт, туризм, фан-таълим ҳамда маданият каби қўллаб соҳаларни қамраб олган. Савдо-сотик соҳасида икки давлат ўртасида 1992 йилдан буён энг қўн қўлайлик яратиш тартиби амал қилиб келинаётгани тўғрисида юртимизда Жанубий корейлик инвесторлар иштирокида юзлаб саноат қорхоналарига асос солинди. Айни чоғда Корея Республикасининг дунёга машҳур қўллаб компаниялари ваколатхоналари очилди.

Енгил саноат ҳамкорлигининг устувор соҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда, хусусан, “ДЭУ Интернэшнл” компанияси билан Фарғона ва Бўҳоро вилоятларида, “Шиндонг Энерком” ҳамда “Текстайл Текноложиз” компаниялари билан Сўрхондарё ва Тошкент вилоятларида ташкил этилган тўқимачилик қорхоналари самарали фаолият қўрсатиб келмоқда. Шу маънода, 2018 йилгача фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган технопарк барпо қилиш учун Тошкент бежиз танлангани йўқ.

Ўқув-тадиқот тўқимачилик технопарки қурилишга тамал тоши қўйилиши муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимда сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлаганидек, енгил саноат Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. 2015 йилда “Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти тасаруфидаги экспортчи қорхоналар сони 254 тага етиб, улар томонидан чет эллик бюртмачиларга 1 миллиард АҚШ доллариликдан зиёд махсулотлар етказиб берилгани бунинг яққол далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Жанубий Кореяга ташрифи давомида давлат, ҳукумат ҳамда идораларро имзоланган салмоқли ҳужжатлар Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклик асосларини янада мустаҳкамлаш, айниқса, тўқимачилик соҳасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга мустаҳкам замин ҳозирлади. Пойтахтимизда Тўқимачилик технопарки қурилиши лойиҳасининг амалга оширилаётгани бунга яққол мисолдир.

— Ўзбекистон билан иқтисодиётнинг қўллаб тармоқларида мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — дейди Корея Республикасининг Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги департаменти директори Канг Мюн Су. — Енгил саноат улар орасида энг истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Бугун қурилиши бошланган технопарк юртингизда саноатнинг мазкур тармоғини янада ривожлантириш, унинг рақобатдошлигини ошириш, соҳа учун етук ва малакали кадрлар етказиб беришда муҳим ўрин тутади.

Технопаркни ташкил қилишдан қўзланган асосий мақсад соҳага ихтисослаштирилган олий ўқув юртини ўқув жараёнида жорий этиш учун замонавий дастурларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ қилиш, материалшўнослик, бўяш, матоларга сўнгги ишлов бериш соҳасига технологик ноу-хауларни жорий этишдир. Бундан ташқари, янги муассаса олиб борилаётган илмий тадиқотлар қўламини кенгайтириш, мато ҳамда либосларнинг янги турларини яратиш, АҚТ, муқобил электр энергияси манбаларидан фойдаланиш бўйича технологик йўналишларни ривожлантириш, либослар дийзини жаҳасида янги ўфқлар очишда муҳим роль ўйнайди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 15 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, ушбу маблаг ҳисобига қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, технологик ускуналар харид қилиш ва ўрнатиш белгиланган. Унга кўра, 3 ва 5 қаватли маъмурий бино, 2 қаватли тажриба-ишлаб чиқариш объекти бунёд қилинади. Улардан ўқув хоналари, конференция заллари, кўргазма майдонлари, лабораториялар ҳамда бошқа муҳим объектлар жой олади.

Умуман олганда, Ўқув-тадиқот тўқимачилик технопаркиннинг фойдаланишга топширилиши Ўзбекистон енгил саноати ривожини янада юқори босқичга кўтариш, соҳа учун етук мутахассислар етказиб беришга хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов иштирок этди.

Шу кунини, шунингдек, Жанубий корейлик ҳамкорлар иштирокида ҳаётга татбиқ қилинаётган ана бир лойиҳа — Қишлоқ ҳўжалиги машиносозлиги конструкторлик маркази қурилишга тамал тоши қўйиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Саид РАҲМОҲОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

лаштириш, мониторинг қилиш ҳамда амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар ўз самараларини берапти, — деди БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Ашита Миттал. — Хусусан, мамлакатнинг гиёҳвандликнинг тарқалиши ва унинг ноқонуний муомаласига қарши кураш, соҳада назоратни мустаҳкамлаш борасида зиммасига олган халқаро мажбуриятларни ижтисол бажармоқда.

Ўз навбатида, имзоланган шартномалар доирасидаги келишувларга биноан, ЮНОДК ҳамда ШХТ мувофиқлаштирувчи тизимлар билан наркотикларга оид вазият тўғрисидаги ахборот материалларини алмашиш имкониятини янада кенгайтиришга имконият бериб барча-барчани нарқожирдобдек ўта хавфли муаммо, унинг тузатиб бўлмас асоратларидан оғоҳ этиб келаётган оловли маёқ, дейиш мумкин.

“Оқу қора ажал”ни ёқиб маросимини нафақат шу кунларда давом этаётган “Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги”даги катта воқелик, балки узок йиллардан бери барча-барчани нарқожирдобдек ўта хавфли муаммо, унинг тузатиб бўлмас асоратларидан оғоҳ этиб келаётган оловли маёқ, дейиш мумкин.

Юқорида келтирилган саъй-ҳаракатлар “Со

Маҳаллийлаштириш дастури самаралари

электротехника саноати ютуқларида ҳам яққол намоён бўлмоқда

Электротехника саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Буни охиргги 5 йилда 25 дан ортиқ турдаги маиший техникалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани мисолида яққол кўриш мумкин. Натижада юртдошларимизга 2010 йилда 22,3 миллиард сўмлик ана шундай маҳсулотлар етказиб берилган бўлса, 2015 йилга келиб, бу кўрсаткич 334,8 миллиард сўмликни ташкил этди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Маълумки, илгари кондиционер, газ ва электр плиталари, чангюткич, музлаткич, телевизор, кир ювиш машинаси сингари маиший техникаларга бўлган ички эҳтиёж, асосан, импорт эвазига таъминланар эди. Бугунги кунда эса уларнинг барчаси ўзимизда ишлаб чиқарилаяпти. Бу истиклол йилларида замонавий саноат тармоқларини йўлга қўйиш, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш ҳамда ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш юзасидан қўрилаган изчил чора-тадбирлар самарасидир.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “2014 — 2018 йилларда республика электротехника саноатини янада ривожлантириш ва бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори электротехника саноат равнақиде янги уфқларни очиб берди. Сабаби, ушбу ҳужжатга мувофик, “Ўзэлтехсаноат”

акциядорлик компанияси ташкил этилиб, унинг олди-га иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳоли эҳтиёжи юқори бўлган кабель, электротехника жиҳозлари, маиший техника воситалари ишлаб чиқаришни тубдан ривожлантириш вазифаси қўйилди. Шундан келиб чиқиб, амалга оширилаётган ишлар маҳсулот тайёрлаш ҳажми ва турини йилдан-йилга кўпайтириш имконини берапти. Мисол учун, 2005 йилда тизимдаги 50 га яқин корхоналар томонидан 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу рақам 1 триллион 300 миллиард сўмликдан ошди.

Этиборли жиҳати шундаки, маҳсулотларнинг сифати юқорилиги боис ташқи бозорда ҳам бемалол рақобатга кириша олаяпти. Пировардида 27 та ишлаб чиқариш субъекти экспортчи корхоналар сафидан мустақкам жой эгаллаб, ўз маҳсулотларини ўнлаб

хорижий давлатларга сотмоқда. Хусусан, 2015 йил давомида улар томонидан 167,7 миллион АҚШ долларилик экспорт амалиётлари бажарилди.

Айни пайтда тизимда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 40 та, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ҳамда технологик янгилаш бўйича эса 17 та инвестициявий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилаётир.

Таъкидлаш кераки, электротехника саноати ривожиде кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси, айниқса, салмоқли бўлаётир. Негакки, энг сўнгги русумдаги технологик ускуналар билан жиҳозланган кичик корхоналарда илғор технологияларга асосланган маиший техника буюмлари ҳамда электр жиҳозлари тайёрлаш муваффақиятли ўзлаштирилмоқда. Пировардида биргина ўтган йили улар томонидан биюртмачиларга 618,05 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Шу боис тармоқда

кичик бизнес иштирокини янада кўчатиришга устувор аҳамият қаратилапти. Охиргги йилларда 20 га яқин янги корхона фаолияти йўлга қўйилгани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Пойтахтимизда “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси ташкил этган анжуманда шулар ҳақида батафсил маълумот берилди. Унда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, тизимда қўлга киритилаётган бугунги натижалар чегара эмас. Ҳозирги пайтда тармоқни ривожлантириш махсус дастурига асосан, 2030 йилгача соҳага 1 миллиард АҚШ долларига яқин инвестициялар жалб қилиш, замонавий қувватларни ишга тушириш, мавжудларини модернизациялаш ҳаракати бошланган. Бунинг ҳисоби-га 22 турдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажмини 5,1 баробар ошириш мўлжалланапти.

Буларнинг барчаси импорт маҳсулотлари ҳажмини кескин қисқартириш, экспорт салмогини эса янада кўпайтиришга мустақкам пойдевор яратиши мўқаррар.

С. ИБДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Аукцион савдолар ўтказиш учун риэлторлик ва бошқа ихтисослаштирилган корхоналарни танлаш бўйича конкурс ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2006 йил 30 сентябрь куни рўйхатга олинган, рўйхат рақами 1625) билан тасдиқланган Низомга асосан,

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти

суд ҳужжатлари ҳамда бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автоматотранспорт воситалари ва кўчмас мулкларни аукцион савдолари орқали сотиш учун риэлторлик ҳамда бошқа ихтисослаштирилган ташкилотларни (кейинги ўринларда — савдо ташкилотчиси) танлаш тўғрисида такрорий танлов эълон қилади.

Танлов мазкур Низомнинг 30-бандига асосан, Сирдарё вилояти учун кўчмас мулкларни аукцион савдолари орқали сотиш учун риэлторлик ташкилотларини танлаш, Андижон ва Навоий вилоятлари учун эса автоматотранспорт воситалари ҳамда кўчмас мулкларни аукцион савдолари орқали сотиш учун риэлторлик ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотларни танлаш бўйича 2016 йил 30 июнь куни соат 11.00 да Суд департаментининг марказий аппарати биносиде ўтказилади (Манзил: Тошкент шаҳри, Юнособод тумани, Халқобод 3-тор кўчаси, 2-«А» уй. Мурожаат учун телефон: (0-371) 237-61-84).

Танловда қатнашиш учун савдо ташкилотчилари комиссия ишчи органига ариза юборади. Комиссия ишчи органи вазифаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси Солиқ, божжона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўлими зиммасига юклатилган.

Ариза ҳамда унга илова қилинадиган ҳужжатлар танлов ўтказиш тўғрисида эълон чоп этилган санадан бошлаб танлов ўтказиладиган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охиргги муддати — 2016 йил 29 июнь.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- аукцион савдоларини ўтказиш учун зарур хоналар ва малакали мутахассис (аукциончи)лар мавжудлиги тўғрисида тегишли ҳужжатлар;
- аукцион ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақ миқдори (1 фоиздан ошмаслиги лозим);
- савдо ташкилотчисининг молиявий аҳоли (банкдан), шу жумладан, солиқ ҳамда бюджетга бошқа мажбурий тўловлардан қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот;
- савдо ташкилотчисининг расмий веб-сайтига эга бўлиши ва унда фуқаролар томонидан аукцион савдоларида иштирок этиш учун уларнинг аризаларини масофадан қабул қилиш механизми мавжудлиги тўғрисида маълумот.

Кўшимча маълумотларни xurramov@suddep.uz электрон почтаси ва (0-371) 237-61-84 телефони орқали олиш мумкин.

933A/479

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ

Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладииз

очіқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Наманган вилояти хўжалик судининг 2014 йил 23 майдаги ижро варақасига асосан, Косонсой тумани СИБ томонидан хатланган, «Косонсой пахта толаси» АЖга тегишли, Наманган вилояти, Косонсой тумани, «Ешлик» ҚФЙ, «Гўрмирон» МФЙ, Ширин кўчаси, 75-уйда жойлашган 3 хонадан иборат савдо дўкони биноси, қўртхона биноси, 5 хонадан иборат ошхона биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 304 985 684 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 28 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охиргги муддати — 2016 йил 26 июль куни соат 18.00.

Шунингдек, 2016 йил 13 июль куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Наманган шаҳар СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2015 йил 11 майдаги 16-1503/2569-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «SHERALI-SSS» МЧЖга тегишли, Наманган шаҳар Бобур номидаги истироҳат ва маданият боғи ҳудудида жойлашган, 35 та хонадан иборат, бино-

иншоотларнинг фойдаланиш майдони 660,36 кв.м., қурилиш ости майдони 647,63 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 6898,52 кв.м. бўлган «Тантаналар мажмуаси ва меҳмонхона» биноиншоотлари, «Чархпалак ARFW-2» русумли аттракцион қурилмаси, «Семелость JS002» ва «Волна JS001» уйингоҳлари, «Электродвижок 150К» мулкый мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 250 000 000 сўм.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охиргги муддати — 2016 йил 11 июль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефонлар: (0-369) 227-94-47, 227-97-01. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

956A/180

ЭЪЛОНЛАР

TOSHKENT ARXITEKTURA-QURILISH INSTITUTI

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 26-maydagi «2016/2017 o‘quv yilida O‘zbekiston Respublikasining oliy ta’lim muassasalariga o‘qishga qabul qilish to‘g‘risida»gi qaroriga binoan, jahon fani va ilg‘or pedagogik texnologiyalarning zamonaviy yutuqlariga asoslangan o‘quv rejalari hamda dasturlariga muvofiq, yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlashni yo‘lga qo‘yish maqsadida 2016/2017 o‘quv yili uchun quyidagi bakalavriat ta’lim yo‘nalishlari va magistratura mutaxassislklari bo‘yicha o‘qishga taklif etadi.

Ma‘lumot uchun telefonlar: (0-371) 262-03-37, 244-18-78, faks: (0-371) 241-80-00 yoki e-mail: info@taqi.uz

Manzil: 100011, Toshkent shahri, Navnihol 3-tor ko‘chasi, 7-uy.

T/r	Ta’lim yo‘nalishi shifri	Ta’lim yo‘nalishi nomi
1	5111041	Kasb ta’limi: xizmatlar sohasi
2	5150900	Dizayn (turlari bo‘yicha)
3	5310900	Metrologiya, standartlashtirish va mahsulot sifati menejmenti (qurilish)
4	5311500	Geodeziya, kartografiya va kadastr (funksiyalari bo‘yicha)
5	5312000	Neft-gazni qayta ishlash sanoati ob‘ektlarini loyihalashtirish va qurish
6	5340100	Arxitektura (turlari bo‘yicha)
7	5340200	Bino va inshootlar qurilishi (turlari bo‘yicha)
8	5340300	Shahar qurilishi va xo‘jaligi
9	5340400	Muhandislik kommunikatsiyalari qurilishi va montaji (turlari bo‘yicha)
10	5340500	Qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalarini ishlab chiqarish
11	5340700	Gidrotexnika qurilishi (turlari bo‘yicha)
12	5340900	Ko‘chmas mulk ekspertizasi va uni boshqarish
13	5341000	Qishloq hududlarini arxitektura-loyihaviy tashkil etish
14	5341100	Qiyamat injiniringi
15	5341200	Suv ta‘minoti va kanalizatsiya tizimlarini loyihalashtirish va ekspluatatsiyasi
16	5341300	Kommunal infratuzilma va uy-joy-kommunal xo‘jaligini tashkil etish va boshqarish

Hujjatlar 20 iyundan 20 iyulgacha qabul qilinadi. Test sinovlari 1 avgust kuni o‘tkaziladi.

№	Mutaxassislik shifri	Magistratura mutaxassislklari nomi
1	5A150901	Dizayn (turlari bo‘yicha)
2	5A310902	Metrologiya, standartlashtirish va sifatni boshqarish (tarmoqlar bo‘yicha)
3	5A311502	Geodeziya va kartografiya (funksiyalari bo‘yicha)
4	5A320101	Materialshunoslik va materiallar texnologiyasi (tarmoqlar bo‘yicha)
5	5A340101	Binolar va inshootlar arxitekturas
6	5A340102	Arxitektura nazariyasi va tarixi, arxitektura yodgorliklarini tiklash
7	5A340103	Shaharsozlik va qishloq aholi yashash joylarini kompleks qurish
8	5A340104	Landshaftlar arxitekturas
9	5A340201	Bino va inshootlar qurilishi (inshootlar turlari bo‘yicha)
10	5A340202	Qurilishni tashkil etish texnologiyasi (turlari bo‘yicha)
11	5A340204	Qurilish konstruksiyalari, maxsus jihozlar va muhandislik tizimlari montaji
12	5A340206	Qurilish iqtisodiyoti
13	5A340302	Shahar transport xo‘jaligi va aloqa yo‘llari
14	5A340401	Suv ta‘minoti, kanalizatsiya, suv resurslarini muhofaza qilish va ulardan samarali foydalanish
15	5A340403	Issiqlik-gaz ta‘minoti, ventilyatsiya, havoni mo‘tadillash
16	5A340501	Qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalarini ishlab chiqarish
17	5A340701	Gidrotexnika inshootlari (inshootlar turlari bo‘yicha)
18	5A340702	Gidrotexnika va yer osti gidrotexnika inshootlari
19	5A340901	Ko‘chmas mulkni baholash va boshqarish

Hujjatlar 1 iyuldan 30 iyulgacha qabul qilinadi.

956A/432

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги «2016/2017 ўқув йилида

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги

қарорига биноан, жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган ўқув режалари ҳамда дастурларига мувофик, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида институт бўйича 2016/2017 ўқув йили учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга таклиф этади.

Таълим йўналишлари коди	Таълим йўналишлари
5111032	Касб таълими: рангтасвир
5111052	Касб таълими: дизайн (интерьерни лойиҳалаш)
5111053	Касб таълими: дизайн (либос дизайни ва газламаларнинг бадий ечими)
5150205	Санъатшунослик: (тасвирий ва амалий санъат)
5150206	Санъатшунослик: (музейшунослик; консервация ва бадий ёдгорликларни сақлаш)
5150801	Рангтасвир: (дастгохли рангтасвир)
5150802	Рангтасвир: (маҳобатли рангтасвир)
5150803	Рангтасвир: (театр безак рангтасвири)
5150804	Рангтасвир: (фильмнинг тасвирий ечими)
5150901	Дизайн: (компьютер графикаси ва бадий фото)
5150902	Дизайн: (реклама ва амалий графика)
5150903	Дизайн: (интерьерни лойиҳалаш)
5150904	Дизайн: (либос дизайни ва газламаларнинг бадий ечими)
5151001	Графика: (дастгоҳ ва китоб графикаси)
5151002	Графика: (хаттотлик ва миниатюра)
5151100	Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)
5151201	Амалий санъат: (бадий кулолчилик)
5151202	Амалий санъат: (меъморий ёдгорликлар беагини таъмирлаш)
5151203	Амалий санъат: (амалий санъат асарларини таъмирлаш)

Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

Мутахассис-ликлар коди	Мутахассисликлар
5A150203	Санъат назарияси ва тарихи (турлари бўйича)
5A150204	Музейшунослик; тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш
5A150801	Рангтасвир: дастгохли рангтасвир
5A150802	Кино ва телефильмнинг тасвирий ечими
5A150803	Мультфильм ва компьютер мультипликацияси
5A150901	Дизайн: либослар дизайни ва газламаларнинг бадий ечими
5A151101	Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)
5A151201	Тасвирий ва амалий безак санъати (турлари бўйича)
5A151202	Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш

Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

Институт манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Телефонлар: (0-371) 254-64-12, 255-98-39, 255-18-92.

956A/437

АСРИМИЗНИНГ БЕКИЁС ВА УЛКАН ЛОЙИХАСИ



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энди энг ривожланган мамлакатлар вагонсозлик саноати намуналари билан тенглашадиган жуда кўрам, барча замонавий шарт-шароит муҳайё этилган, ўзимизда ишлаб чиқарилган вагонларда олий даражада хизмат кўрсатилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, шу йилнинг ўзига 600 мингга яқин йўловчилар маҳаббатли тоғлар, мафтункор даралар, тўлкинида қуёш акс этган дарёлар бўйлаб ажиб таассуротлар оғушида ўз манзилларига етиб оладилар.

Таъбир жоиз бўлса, мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги арафасида буюк довон она халқига таъзим қилди ва бағрини очди. Қамчиқ довони қанча-қанча таҳдидларни, тош қотган тўсиқларни енгиб ўтган матонатли юрт фарзандларига офаринлар айтди. Бу асло муболага эмас. Чунки дунёда неки бор, барчасининг руҳи ҳамда вужди мужассам. Бамисли, мазкур абадий довони Истиклолимиз меъмори раҳнамолигида халқимиз ғайрат-шижоати туфайли обод ва озод Ўзбекистонини қалб кўри, кўз нурини бағишлаб барпо этаётганимизни ҳис қилди.

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли, улкан лойиҳа доирасида Қамчиқ довонида қурилган 19,2 километрик туннелнинг фойдаланишига топширилиши том маънода ана шу абадийга дахлдор воқеанинг ҳамда биз келтирган таърифу тавсифининг ёрқин исботи, жаҳон тан олган тарихий ҳужжат, қўлга киритилган яна бир оламшумул галабаимизнинг рад этиб бўлмас тасдиғидир. Бинобарин, транспорт коммуникациялари жаҳон бозорларида қиқшининг ягона имконияти, тараққиётимизнинг ўзига хос локомотиви-дир. Агар бу масалага глобал микёсда назар ташласак, янги темир йўл халқроқ иқтисодий алоқаларимизни янада юксак босқичга кўтарди. Мазкур трансминтакавий транспорт йўлига Шарқ ва Ғарбию боғловчи бебаҳо аҳамиятга эга қўриқча айланади. Умуман, Ангрен — Поп темир йўли Марказий Осиёда геосиёсий етакчи ҳисобланган Ўзбекистоннинг қитъамизнинг йирик давлатлари билан мустақам ҳамкорлик алоқаларининг янада кенгайишига замин яратди. Қолаверса, бу темир йўл қадимий Буюк Ипак йўли аъёнчаларини давом эттираётган икки буюк давлат — Ўзбекистон ва Хитой муносабат-

лари изчил ҳамда ўзаро манфаатли тарзда давом этишини таъминлайди.

Айни кунларда Ангрендан Фарғона водийси томон тўшалган пўлат йўл офтобнинг заррин нурида товланиб кўзни қамаштирса, унинг ёқаларида қад ростлаган станция ҳамда вокзалларнинг номлари кишини ҳаяжонга солади. “Темир йўл обод”, “Қўшминор”, “Орзу”...

Дарҳақиқат, бугун халқимизнинг орзулари ушалиб, турмуши обод ва фаровон бўлиб бораётган. Айниқса, бунёдкорларимизнинг шижоатли меҳнати туфайли пурвиқор тоғлар оралаб ётқизилган темир йўл ҳар қанча таҳсинга, беадад эътирофга сазовор. Ўйлаб кўринг: ахир у дунё микёсда тоғли ҳудудда амалга оширилган лойиҳалар қаторида 8-ўринда туради. Шу пайтга қадар Марказий Осиё ҳудудида бундай улғувор ишга қўл урилмаган.

Айтиш жоизки, темир йўл тизимидаги йирик лойиҳалар нафақат юк ҳамда йўловчи ташиш сифатини оширишга, балки жамий раванга ҳам хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Бинобарин, охириги ўн — ўн беш йил мобайнида 1200 километрдан ортиқ янги темир йўл линиялари қурилиб, 3800 километрик “пўлат йўл” пар модернизация қилинди, 1100 километр узунликдаги темир йўл магистраллари эса электрлаштирилди. Пировардида биригана ўтган йилнинг ўзига 67,7 миллион тонна юк ва 20,7 миллион нафар йўловчи ўз манзилига етказиб қўйилган бўлса, 347,7 миллион АҚШ долларилек экспорт хизматлари кўрсатилди.

Бу, албатта, республикамизда темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, янги йўللарни қуриш орқали транспорт йўлларини кенгайтириш ягона миллий темир йўл тизимини шакллантиришнинг стратегик йўналишларидан бирига айлангандалоқадир.

Шу ўринда бундан бир неча йиллар аввал бевосита Ўртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган иккита йирик темир йўл магистрალი — Навоий — Учкудук — Султон Увайтоғ — Нукус ҳамда Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон линияларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки мазкур йўллар мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётини юксалтириш баробарида, Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги салоҳиятини ҳам ошириб юборди. Масалан, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли ишга тушган, минтақанинг табиий ер ости бойликларини ўзлаш-



Хосил ПАЙДОЕВ олпон суратдор.

тириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тўб бурилишлар юз берди. Энг муҳими, юк ҳамда йўловчи ташиш масофаси 170 километр, ҳаракат вақти эса 7 соат қисқарди.

Президентимизнинг 2013 йил 18 июндаги “Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Хитойнинг “China Railway Tunnel Group” компанияси ҳамкорлигидан бунёд этилган туннель қурилиши бунёд этган янги темир йўл линияси ва Хитойнинг “China Railway Tunnel Group” компанияси томонидан қурилган туннель ҳақида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин.

Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда жойлашган Қамчиқ довонидидаги мазкур қурилиш объектида жами 43 миллион куб метр тупроқ, 16,3 миллион куб метр бурғулаш-портлатиш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, 285 та сунъий иншоот ҳамда сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 километрик, ўртача баландлиги 25 метрни ташкил этувчи 15 та темир йўл кўприги, 6 та йўлўтказиш, 4 та станция, 4 та разъезд ва 2 та вокзал қуриб битказилди. Шунингдек, 124 километрик темир йўл тўлиқ электрлаштирилди. Лойиҳа доирасида эса темир йўлчилар учун 10 га яқин тураржой бинолари қурилди.

Ўзбекистон аҳли — бунёдкор халқ. Юртимизда азалдан йўл ҳамда кўприк қуришга масъулият билан ёндашилиб, унинг ижодкори ҳамиша эл орасида обрў-эътибор қозонган. Ҳозирги кунга келиб, йўлсозлик ва



кил қилгани муваффақиятимиз гарови бўлди. Мазкур жараёнда замонавий техника ҳамда қурилиш материаллари узлуқсизлиги таъминлангани ҳар қандай юмушни аъло даражада бажаришга ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, тизимдаги учта қурилиш назорати лабораторияси тупроқ ишлари сифатини доимий кузатган бўлса, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг махсус лабораториясида тупроқ қатламни зичлаштириш сифати устидан уч поғонали назорат йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси пировардида ўз самарасини берди.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, янги темир йўл фойдаланишига топширилиши билан йилга 10 миллион тонна халқ ҳўжалиги юқини ташиш, дастлабки йилда 600 минг йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти юзга келди.

Ҳосил ХОЛМАТОВ, “Тошхашартрансхизмат”, акциядорлик компанияси бош муҳандиси:

— Ангрен — Поп темир йўли ишга тушиши билан ота-боболаримизнинг неча минг йиллик орзуларидан бири амалга ошди. Шўқрки, биз аждодларимиз орзу қилган замонда яшаймиз. Ҳозир янги темир йўл ҳақида сўзлар юртакимиздан, ичимизда ўзгача бир ҳаяжон. Чунки бу йўлнинг қурилишини 80 ёшдан ошган отам ҳам интизорлик билан кутган эдилар. Энди отам “Президентимизга минг раҳмат! Мени поездга миндириб, тоғларни, водийни бир айлантириб келасан”, деяптилар. Бу ишни, албатта, амалга ошираман.

Саидислом САЙДУЛЛАЕВ, Бўқа туманидаги “Ёқутхон Саид” кўп тармоқли фермер хўжалиғи раҳбари:

— Темир йўлчиларимиз томонидан бунёд этилган ушбу ўта салобатли иншоот ҳар биримизда гурур ва ифтихор тўғйуларини уйғотди. Бундан 25 — 30 йил илгари бундай қурилиш ҳомхалё ноёб лойиҳа 3 йилда якунига етказилди. Жўқон тажрибасида бундай йирик лойиҳалар 7 йилда амалга оширилади.

Наврўз ЭРКИНОВ, Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл қурилишини топшириш гуруҳи раҳбари:

— Темир йўлчиларимизнинг ҳамжиҳатлиқда ишни тўри таш-

Комилжон АБДУЛЛАЕВ, Наманган давлат университетининг 2-академик лицейи директори:

— Ноёб темир йўлнинг очилишига бағишланган маросимда иштирок этдим. Бу воқеа асримизнинг чинакам мўъжизаси! Ахир баланд тоғлар орасидан 19,2 километрик темир йўл ётқизиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди! Жараён нихоятда жадал суръатларда кечганини айтмайсизми?!

Қаранг, энди Фарғона водийси ва пойтахт ораси бир қадам. Чунки мустақам робита — замонавий темир йўлимиз бор. У Қамчиқ довонида транспорт ҳамда юк ташиш оқими зўриқини қамайтириш билан бирга, учта вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Ҳусусан, Наманганда туризмин ривожлантириш, ҳудуд инвестициявий жозибдорлигини оширишга унинг ўрни бекиёс. Аввало, экспорт сарф-харажатлари қамаяди. Юкларни ташиш учун сарфланаётган маблағ анча тежаланади.

Қадимда Буюк Ипак йўлининг марказий тармоғи юртимиз ҳудудидан ўтган. Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ана шу имкониятлар тикланишига қўшадиган ҳиссаси билан янада аҳамиятлидир. Зеро, унга Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини сифатида қаралаётгани ҳам бежиз эмас.

Мухаммаджон МАМААДЖОН, Фарғона вилоятлик меҳнат фахрийси:

— Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линиясининг очилиш маросимини “ойна жаҳон” орқали катта ҳаяжон билан кузатдим. Айниқса, Президентимиз Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин “Ўзбекистон” йўловчи поездининг “Қамчиқ” туннелидан ўтишига рухсат берувчи семафор тугмасини босганларида, ана шу жаннатмонанд мамлакат фуқароси эканлигимдан чексиз гурурландим.

Очиги, мен билан бирга, бу тарихий воқеага гувоҳ бўлаётган набираларим, келинларим фарзандларимдан ҳаяжонимни яширмадим. Тўғри-да, собиқ тузум даврида шундай буюк йўналишлар ҳақида ўйлаш у ёқда турсин, бугунгидек дориламон кўнларни орзу қилишга ҳам

ҳайқардик. Энди-чи? Вазият тамомила бошқача. Президентимизнинг “Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон манфаати учун”, деган эзгу ғояни мужассам этган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистонимиз улкан ривожланиш ҳамда юксалиш майдонига айланди, десак, айни ҳақиқат. Бинобарин, юртимизнинг ҳар бир гўшасида бундай янгиликлар беҳисоб. Одамларнинг бугуни ва эртасидан кўнгли тўқ. Истиклолнинг ойдин йўлига чиқиб олганимиз учун дилимизда, тилимизда шўқрона.

Таваккал ТОВПОЛДИЕВ, “Нуроний” жамғармаси Анджон вилояти бўлими кенгаши раиси, Ўзбекистон Кахрамони:

— Президентимиз 2015 йилда водийга келиб, сайловчилар билан учрашганларида, “2016 йилда сизлар билан тезорар поездга ўтириб Тошкентга борамиз”, деган эдилар. Ангрен — Поп темир йўли ишга туширилиши Президентимизнинг буюк тарихий ишларидан бири бўлиб, сўз билан таърифлаб бўлайдиган аср бунёдкорлиғидир. Зеро, бу тоғларнинг яралганига 600 миллион йиллар бўлган бўлса, унинг бағри ҳеч бир замонда ёриб ўтилмаган эди.

Янги темир йўлнинг ишга тушишидан биз, водийликларнинг қалбимиз чексиз қувонч, ифтихор ва гурурга тўлди. Энди ўн миллиондан ортиқ водий аҳолиси йўл азобидан қутулди, пойтахтимиз бир қадам бўлиб қолаятти. Бу ишларнинг бунёдкори бўлган Президентимизга чексиз миннатдорлик билдираимиз.

Мутахассислар фикрича, мазкур ноёб иншоот ҳамда янги темир йўл келажакда республикамиз ва Марказий Осиё давлатларидан ташқари, бошқа мамлакатларнинг ҳам Европа минтақасига чиқоши, савдо-иқтисодий алоқалар янада мустақамланишида муҳим ўрин тутати. Шу маънода, у тинчлик ҳамда фаровонлик йўли сифатида нафақат мамлакатимизнинг эртанги кўнига хизмат қилади, балки келгусида буюк давлатларни бир-бирига яқинлаштиради, элларни элларга, қалбларни қалбларга туташтиради.

Саид РАҲМОНОВ, Дилшод УЛУҒМУРОВ, “Халқ сўзи” мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 18 ИЮНДАН 24 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳма́си ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-майиш секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил 20 майдаги 54-сон «Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2803 (2016 йил 27 сентябрдан кучга қиради).

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вази́рлиги, Молия вази́рлиги, Иқтисодиёт вази́рлиғининг 2016 йил 26 майдаги 26, 29, 114-сон «Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиқларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2518-1 (2016 йил 27 июндан кучга қиради).

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вази́рлиги, Меҳнат вази́рлиги, Молия вази́рлиғининг 2016 йил 30 майдаги 2-2016, 15-Қ/Қ,

Хабар

41-сон «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2182-2 (2016 йил 27 июндан кучга қиради).

4. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартиш ва бюджетга тўловлар интизомини мустақамлаш бўйича Республика комиссиясининг 2016 йил 10 июндаги 37-сон «Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўқтатиш, шунингдек пеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги низомга ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2016 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами

1442-1 (2016 йил 27 июндан кучга қиради).

5. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2016 йил 10 июндаги 44-сон «Дарё транспортида юк ташиш қоидаларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2016 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2468-1 (2016 йил 27 июндан кучга қиради).

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вази́рининг 2016 йил 2 июндаги 44-сон «Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2086-1 (2016 йил 27 июндан кучга қиради).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳма́си

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 113 851 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариладими.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.

Навбатчи — Д. Содиқов.

Мусаҳҳих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.35 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6